

Мўмин мўминнинг кўзгусидир



09:36 / 09.10.2018 2640

Шайх Муҳаммад Аввома:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам насиҳатгўй мўминнинг ҳолатини кўзгуга ўхшатдилар. Чунки кўзгунинг икки сифати бор. Бири соқовлиги, иккинчи эса содиқлиги, яъни ростгўйлигидир. Гўё Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам насиҳатгўй мўминга қарата “Биродаринг учун худди кўзгудек бўл. Унда бирон айбу нуқсон кўрсанг, унга махфий насиҳат қил ва бу насиҳатингга содиқ, ростгўй ва холис бўл. Худди кўзгу ҳам қаршисидаги кишига бирон нарса қўшмай ё ноқис ҳам қилмай, унинг айнан аксини кўрсатганидек” деганларидек.